

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ДЖУРАЕВА ЛАЙЛО ШУХРАТОВНА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МУСИҚА САНЪАТИ**

**17.00.02–Муסיқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК: 78.04:821.512.133”14”

**Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по  
искусствоведению**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on art history**

**Джураева Лайло Шухратовна**

Алишер Навоий ва мусиқа санъати.....5

**Джураева Лайло Шухратовна**

Алишер Навои и музыкальное искусство.....25

**Djuraeva Lailo Shukhratovna**

Alisher Navoi and music art.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.San.54.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ДЖУРАЕВА ЛАЙЛО ШУХРАТОВНА**

**АЛИШЕР НАВОИЙ ВА МУСИҚА САНЪАТИ**

**17.00.02 – Муסיқа санъати**

**САНЪАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/San35 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат консерваториясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)), Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.konservatoriya.uz](http://www.konservatoriya.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ғофурбеков Тўхтасин Ботирович**  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Асқарали Ражабов**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Чинора Эргашева**  
Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**


**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**


Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.San.54.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "16" 09 куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100027, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.:(99871) 244-46-53; факс: (99871) 244-53-20, E-pochta: [info@konservatoriya.uz](mailto:info@konservatoriya.uz) .


Диссертация билан Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№10 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Олмазор кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871)244-46-53..

Диссертация автореферати 2021 йил "31" 08 куни тарқатилди.  
(2021 йил "31" 08 даги 8 - рақамли реестр баённомаси).



  
**М.А.Хамидова**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси,  
санъатшунослик фанлари доктори, профессор

  
**Б.Ш.Ашуров**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

  
**А.Н.Азимова**  
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон навоийшунослигида Алишер Навоийнинг илмий-ижодий мероси ҳозирги кунга қадар асосан тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, эстетика соҳаларидаги мезонлар ва меъёрлар асосида таҳлилланган. Муסיқа фани ва санъатига доир масалалар, яъни мақом санъати, бастакорлик ижодиёти, чолғушуносликка оид йўналишлар муайян даражадагина ўрганилган.

Дунё мақомшунос тадқиқотчиларида Шарқ мумтоз муסיқаси ривожига улкан ҳисса қўшган мутафаккирларимиз меросини илмий, муסיқий жиҳатларини тадқиқ этиш, бастакорлар яратган асарларни, қолаверса, ўрганилаётган даврга оид чолғулар, муסיқий жанрларни янги илмий-назарий тамойиллар асосида таҳлил этиш асосида замонавий хулосалар чиқариш тақозо этилмоқда.

Мамлакатимизда аждодларнинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш жараёни йўлида Алишер Навоийнинг бадиий-эстетик қарашлари, муסיқа санъати ва ижодкорларига муносабати, хусусан танқидий фикрлари, бастакорликка оид таърифларини, шоир ғазаллари билан ижро этилаётган ашула йўлларини энг илғор илмий услублар асосида тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Жонажон Ватанимиз “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”<sup>1</sup>. Демак, Шарқ ва Ғарбда тан олинаётган ҳозирги муסיқашунослигимизда “Алишер Навоий ва муסיқа санъати” мавзуси махсус тадқиқот сифатида ўрганилиши долзарб илмий муаммолардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3178-сон “Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3391-сон “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 26 августдаги ПҚ-3920-сон “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорларида

---

<sup>1</sup>ПҚ-4865-сон 19.10.2020. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5054929>

ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Алишер Навоийнинг мусиқа санъати илмига муносабати унинг замондошлари – Абдурахмон Жомий, Зайниддин Восифий, Зайнулобиддин Ҳусайний, Ғиёсиддин Хондамир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби адиб ва тарихчиларнинг асарларида қисман ёритилган. Жаҳон шарқшунос олимлари – Генри Жорж Фармер (Британия), Евгений Бертельс (Россия), Берт Фрагнер (Германия), Марк Тоутант (Франция), Юсуф Четиндоғ (Туркия), Абдусалом Абдуқодиров (Тожикистон), Жаннат Нагиева, Алмас Улви (Озарбайжон) ва бошқалар<sup>2</sup>нинг мақолаларида ҳам ушбу мавзу қисман ўз аксини топган.

Ўзбек адабиётшуносларидан А.Фитрат, И.Султон, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева, Н.Маллаев, Н.Комилов, А.Эркинов<sup>3</sup> ва бошқаларнинг асарларида Навоий ижоди билан мусиқанинг алоқадорлигига доир фикрлар ўрин олган. Улуғ мутафаккир меросига замонамиз санъатшуносларидан Н.Баймухамедова, Т.Ғофурбеков, З.Каримова, О.Иброҳимов, Р.Абдуллаев, З.Ориповларнинг ишларида ҳам муайян эътибор қаратилган.

---

<sup>2</sup>Фармер Г.Дж. Востоковедение, в основном, музыкальные. Лондон, Нью-Йорк: Hinrichsen Ed. 1953; Farmer H. Abdalqadir ibn Ga'ibi na muzikalnykh orudiyax. Oriens, 1962.V15. – С. 242-248;Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. – М.: Наука, 1965; Абдуқодиров А. Навоий ва тасаввуф. Хўжанд, 1994; Fragner B. Mir Ali Sher Nava'i: The 'Judgement' reconsidered. In: Eva M. Jeremias (ed.): Irano-Turkic Cultural Contactks in the 11-17 Centuries. Piliscsaba: The Avicenna Institute of Middle Eastern Studies. 2003, pp 53-66; Toutant M. La Culture des derniers Timourides: etudes des pratiques d'imitation a travers l'exemple de la Khamsa de Mir 'Ali Shir Nawa'i (1441-1501). <http://majlis-remomm.fr/category/prix-de-these>; Четиндоғ Ю. Алишер Навоий ва Усмонли шеърляти. Н.Ҳасан, Р.Рўзмонова таржимаси. – Т.: Muharrir, 2011; Улви (Биннатова) А. Амир Алишер Навоий ва Озарбойжон // Алишер Навоий ва XXI аср. Халқаро конференция мақолалар тўплами. – Навоий, 2019.

<sup>3</sup> Фитрат А. Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан, 1993; Султон И. Навоийнинг қалб дафтари - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1969; Қаюмов А. Алишер Навоий: улуғ шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисида лавҳалар. – Т.: Камалак, 1991; Нодир саҳифалар: Навоийнинг кам ўрганилган баъзи асарлари тўғрисида. – Т.: Фан, 1991; Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Т.: Sharq, 2014; Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: Ўзбекистон фанлар академияси нашриёти, 1959; Навоийхонлик сухбатлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993; Навоий лирикаси. – Т.: O'zbekiston, 2015; Ғаниева С. Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1962; Алишер Навоий прозаик асарлари. – Т.: Ўзбекистон, 1981. Сўғд қуши чолғусининг торларини черт // Мозийдан садо. 2007/3. – Б . 9-10; Шарқ мумтоз адабиётида муғаннийномалар // Шарқ тароналари конференцияси тезислар тўплами. – Т., 2007. – Б. 62-66; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015; Комилов Н. Фақр нури порлаган қалб. – Т.: Маънавият, 2001; Маънолар оламига сафар. – Т.: Tamaddun, 2012; Эркинов А. Шарқ ва Ғарб: бадиий тафаккур чорраҳаларида // Нафосат. Ўзбекистон ёш санъатшуносларининг мақолалар тўплами. Мухаррир К.Б.Акилова, О.А.Ибрагимов. – Т., 2001.

Абдурауф Фитрат Навоийнинг ўзи бастакор бўлганлигига ишора қилиб, “Қари Наво” куйи асли “Қари Навоий” ёхуд “Қадри Навоий” деб номланиб, унинг муаллифи буюк шоир эканлигини таъкидлайди<sup>4</sup>.

И.Ражабов ўз тадқиқотида<sup>5</sup> Навоий асарларида ифодаланган чолғуларга шоирнинг образли таърифлари, мусиқий шакллар, мақом йўллари, шунингдек, “Мажолис ун-нафоис” тазкираси ва унда келтирилган бастакорлар ҳамда илми адворга бағишланган рисоалар яратган мусиқий назариётчилар номлари, Абдурахмон Жомий ва ҳазрат Навоийнинг бастакорларга бўлган муносабатлари хусусида қимматли маълумотларни баён этган. Бу маълумотлар бизнинг тадқиқотимиз учун алоҳида аҳамиятлидир.

Н.Баймухамедованинг<sup>6</sup> “Алишер Навои о музыке” номли мақоласида Навоийнинг амирлик даврида Ҳирот муҳитида адабиёт ва санъатнинг гуллаб-яшнаши, “Сабъаи сайёр” достонидаги Дилором ва унинг чолғуси – чангнинг бадий ифодаси, “Маҳбуб ул-қулуб”даги “Мутриб ва муғаннийлар зикрида” фаслидаги шоирнинг мусиқачилар тўғрисидаги фикрлари ифодаланган.

Т.Ғофурбеков ишларида<sup>7</sup> Навоий ва бастакорлик ижодиёти, хоссатан, Мавлоно Соҳиб Балхий, Хожа Юсуф Бурҳон, Мавлоно Биноий ва Паҳлавон Муҳаммад каби бастакорлар ҳақида атрофлича фикр юритилган. Олимнинг айниқса, Навоий асарларида келтирилган мусиқий истилоҳларнинг қўлланишига доир мулоҳазалари диссертация учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Устоз бошлаб берган мумтоз куй ва ашулаларимизни даврлаштириш масалалари ишда бизга илмий йўналиш берди.

З.Каримованинг диссертацияси ва монографияси<sup>8</sup> “Навоий мусиқада” деб номланиб, унда юқорида таъкидланганидек, композиторлик ижодиётида Навоий образининг ифодаланишига оид таҳлиллар келтирилган.

О.Иброҳимов<sup>9</sup> Алишер Навоий ғазалларида келган мақом номлари ва уларнинг тасаввуфий маънолари, “Сабъаи сайёр” достонида ифодаланган етилиқни етти мақом пардаларига боғлаб, тасаввуф

<sup>4</sup> Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. – Т.: Фан, 1993.

<sup>5</sup> Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. – Т.: Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1963; Мақомлар / Нашрга тайёрловчи ва махсус муҳаррир О.Иброҳимов. – Т.: Санъат, 2006. – Б. 27-31.

<sup>6</sup> Баймухамедова Н. Алишер Навои о музыке // История и современность. Проблемы музыкальной культуры народов Узбекистана, Туркмении и Таджикистана. – М.: Музыка, 1972. – С. 376-386.

<sup>7</sup> Ғофурбеков Т. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке. – Т.: Фан, 1987; Ғофурбеков Т. Навоий ва мусиқа // Навоий. 550 йиллик муносабати билан чоп этилган журнал. – Т.: Мерос, 1991. Б. 13; Ҳазрат Навоийнинг мусиқий тафаккури // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2002. 3 май; Сайланма. – Т.: Musiqa, 2009 ва б.

<sup>8</sup> Каримова З. Навои в музыке. – Т.: Издательство Литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1988.

<sup>9</sup> Иброҳимов О. Ҳазрат Навоий ва мақом // Мусиқа ижодиёти масалалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 53-64.; Алишер Навоийнинг мусиқий-эстетик қарашлари // “Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти” мавзуидаги халқаро илмий-назарий конференция материаллари. – Т., 2011.

адабиётининг етти даражасига қиёслаб таҳлил этиб берган. Шунингдек, Навоий асарларидаги илоҳиёт масалалари ҳам муסיқашунос томонидан батафсил ёритилган.

З.Орипов мақолаларида<sup>10</sup> Навоий ўз даври муסיқа билимдонларига рисолалар ёзишига таклиф бергани ва улардан қоникмай, ўз устозига мурожаат этганлиги сабаб муסיқа назариясига оид қимматли манбалардан А.Жомийнинг рисоласи бунёд бўлганлиги ҳамда тарихий манбаларда зикр этилган Навоийнинг муסיқа билимдонлигига оид фикрлар таъкидланган.

Р.Абдуллаев мақоласида<sup>11</sup> композитор Мутал Бурҳонов ижодида тасвирланган Алишер Навоийнинг образига доир қарашлар ўрин олган.

Шунингдек, муסיқашунослар М.Набиева, А.Зокиров, У.Мамажонов; Д.Саипова, Р.Абдурахмонов, У.Бекмуҳаммад<sup>12</sup> қабилар томонидан ҳам Навоий ва муסיқа мавзусининг муайян кўринишлари турлича қарашлар билан ўрганилган. Бироқ Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”<sup>13</sup> даги муסיқий жанрлар ва уларнинг вазнлари хусусидаги қарашлари, “Мажолис ун-нафоис”<sup>14</sup> ва “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”<sup>15</sup> каби асарларидаги бастакорларга бағишланган фикрлари, муסיқий чолғуларга оид кузатувлари ҳақида махсус тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек муסיқаси тарихини ўрганиш ва ёш авлодни миллий муסיқа руҳида тарбиялаш” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Алишер Навоий ижодий меросида муסיқа илми масалаларини, ўзбек муסיқаси тарихида Алишер Навоий асарларининг роли ва аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

---

<sup>10</sup>Орипов З. Навоий даври муסיқий рисолалари // Муסיқа ижодиёти масалалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 47-52; Манбаларда Алишер Навоий наволари // Алишер Навоий ва муסיқа. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – Б. 6-11; Санъатим анда соз чолмоқ иши // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2016. № 6.

<sup>11</sup> Абдуллаев Р. Мутал Бурҳонов ижодида Алишер Навоий сиймоси // Муסיқа ижодиёти масалалари. 2-тўплам – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 79-86.

<sup>12</sup> Набиева М. 1990 йиллар композиторлик ижодида Алишер Навоий назми (Т.Қурбонов, Ҳ.Раҳимов, Б.Лутфуллаев асарлари мисолида) // Муסיқа ижодиёти масалалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 87-97; Зокиров А. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида “ғино” // Алишер Навоий ва муסיқа. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – Б. 70-73; Мамажонов У. Китобхонлик анъаналарида Навоий назми // Алишер Навоий ва муסיқа. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – Б. 79-84. Саипова Д. Ўзбек мақомларида Ҳазрат Навоий ғазаллари // Алишер Навоий ва муסיқа. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – Б.32-42; Абдурахмонов Р., Ортиқов Т., Раҳматов Қ. Навоий ва унинг муסיқий олами. – Т: Муҳаррир, 2012; Бекмуҳаммад У. Навоий ва муסיқа. kh-davron.uz инернет саҳифаси. – Т., 2013.

<sup>13</sup> Навоий Алишер. Мезон ул-авзон. 20 томлик. 16-том. – Т.: “ФАН”, 2000.

<sup>14</sup>Навоий Алишер. Мажолис ун-нафоис. 20 томлик. 13-том. – Т.: “ФАН”, 1997.

<sup>15</sup>Навоий Алишер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. 20 томлик. 15-том. – Т.: “ФАН”, 1995.



Навоийнинг барча асарларидаги муסיқий истилоҳлар – муסיқий шакллар ва жанрлар, чолғуларга берилган таърифларни аниқлаш ва таснифлаш;

аллома қўллаган муסיқий ибораларни ҳозирги муסיқа илмидаги маънодошларига қиёслаб таҳлил этиш;

Навоий даврида истеъмолда бўлган ва шоир ўз асарларида таърифлаб ўтган чолғуларни ўрганиш;

мутафаккир эътироф этган бастакорлар ва улар ижод этган муайян “Чаҳоргоҳ” каби мақом шўъбаларини бугунги “Чоргоҳ”лар билан қиёслаш жараёнида илмий гипотезалар тақдим этиш;

Навоий асарларидаги бастакорлик ижодиётига алоқадор бўлган “боғлабдур” атамасининг моҳиятини очиб бериш;

шоир меросидаги мақом номлари, шўъба ва овозаларини ифодаловчи ибораларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Алишер Навоий шеърияти қўлланилган “Шашмақом”нинг талқини уззол ва насри уззол шўъбалари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Алишер Навоий асарларида қўлланилган *наъма*, *нақш*, *наво*, *зир*, *бам* каби муסיқий атамалар, муסיқий жанрлар, чолғушуносликка доир масалалар, бастакорлик, *Ҳижоз*, *Ироқ* сингари мақомлар моҳияти ва ижроларини акс этиш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимлаш, тарихий-қиёсий метод каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий асарларидаги муסיқий атамалар, хусусан, *чорзарб*, *наъма*, *нақш* жанрларининг қиёсий таҳлили кейинги давр мақомшунослар илмига замин бўлгани исботланган;

Навоий асарларида келтирган “Чаҳоргоҳ”лар муаллифлари XV асрда яшаган Соҳиб Балхий ва Паҳлавон Муҳаммад эканлиги ҳозирги амалиётдаги “*Уфари Савти Чоргоҳ*” ва “*ЧоргоҳIV*” орқали аниқланган;

Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги танқидий қарашлари, дидактик моҳияти *соз* ва *наво* аҳлининг ахлоқи, тарбияси бугунги ёш авлод маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши далилланган;

Бузрук мақомининг Уззол шўъбаси мисолида *талқин*, *наср* доира усулларининг зарби, ноталар чўзими ҳамда аруз тизимидаги *рамал*, *ҳазаж* баҳрлари узун ва қисқа ҳижолари муштараклигида асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий ижодида ифода этилган муסיқага доир масалаларни ўрганиш жараёнида ўзбек муסיқашунослиги учун муҳим илмий-назарий маълумотлар аниқланган;

мақом ижрочилигида муомалада бўлган Чоргоҳларга Навоий маълумот берган “Чаҳоргоҳ” мақомини қиёсий таҳлил этиш жараёнида

Уфари Савти Чоргоҳ ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларида Чоргоҳ IV нинг муаллифлари шоир даври бастакорлари эканлиги далилланган;

мақомларнинг доира усулига қараб, ғазалларнинг мос тушадиганларини аниқлаш орқали Навоий назмининг ритмик оҳангдорлиги кўрсатилган. Бунинг натижасида мақомларнинг янги ғазаллар билан ижро этилувчи вариантлари вужудга келиши асосланган;

олий таълим муассасалари, ўрта таълим ва умумтаълим мактабларида ўзбек миллий музыкасини ўрганишда, шунингдек, “Ўзбек музыкаси тарихи”, “Мақом асослари”, “Ўзбек мақоми тарихи ва назарияси” каби махсус фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратилишида маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилиши исботланган;

Алишер Навоий ижодий меросида музика илмининг ўрни, алломанинг музикашунос сифатидаги феномени, шунингдек, ўзбек анъанавий музыкаси, мақом санъати намуналарини оммавий ахборот воситаларида тарғиб этишда услубий қўлланма бўлиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан Алишер Навоий меросига оид юртимиз, хорижий мамлакатлар олимларининг фундаментал илмий-назарий қарашлари ўрганилганлиги, тадқиқот доирасига Навоий ижоди билан бевосита дахлдор бирламчи илмий манбалар, хусусан, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолайи музикаий”, Дарвешали Чангийнинг “Тухфат ус-сурур” асарлари жалб этилганлиги ва улардан фойдаланилганлиги, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан изоҳланади.**

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва Шарқ мумтоз музыкасига оид қарашлар, илмий муомалага киритилган ва нашр қилинган манбалар ҳақидаги назарий хулоса ва тавсиялардан соҳага оид илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш, санъатшунослик йўналишини янада жадаллаштириш, мавзуга оид тадқиқот ва монографиялар яратиш, соҳалараро алоқалар ва таъсирланиш масалаларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан “Ўзбек музыкаси тарихи”, “Ўзбек мумтоз шеърини асослари”, “Шашмақом туркумидаги ғазаллар поэтикаси” фанларидан инновацион дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, маъруза ва семинар машғулотлари мазмунини такомиллаштириш, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқиш, “Ўзбек ва форс мумтоз мақом санъатлари тарихи”, “Жаҳон мумтоз санъати” каби фанлар мазмунини назарий хулосалар билан такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Алишер Навоий ижодида музика санъатининг ўрни тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Алишер Навоий асарларидаги муסיқий атамалар, хусусан *чорзарб*, *нағма*, *нақш* жанрларининг қиёсий таҳлили кейинги давр мақомшунослар илмига замин бўлгани хусусидаги хулосалардан Жаҳон банкининг Академик инновациялар фонди томонидан 2019-2020 йилларга мўлжалланган “Ўзбек бастакорлари ва композиторлари ижодида мақом санъати” номли АИФ 2/14 рақамли халқаро грантда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 5 ноябрдаги 01-11-01-1842 сон маълумотномаси). Натижада ўзбек бастакорлик ижодиёти ҳамда мақомларнинг илмий ривожланиш босқичларини янада ойдинлаштиришга хизмат қилган;

Алишер Навоий асарларидаги муסיқий атамалар, хусусан, “мақом” атамасининг муסיқий моҳияти ҳақидаги олинган натижалардан 2020 йил 12 октябрда “Маданият ва маърифат” телеканалда эфирга узатилган “Мақомотнинг инсон тарбиясидаги ўрни” кўрсатуви ҳамда шу йил 21 октябрда ўтказилган марафон сценарийсида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 13 ноябрдаги 02-02/117 сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинлар ўн икки мақом тизимига оид мақом атамалари контекстдаги мазмунига кўра муסיқа соҳасидаги “мақом” иборасини англаганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлишган;

Навоий даври бастакорлари шоир иборасида “боғлаган” мақом йўлларида иккита “Чаҳоргоҳ” ҳозирги амалиётдаги мавжуд Уфари Савти Чоргоҳ ва Чоргоҳ IV (қашқарча) шўъбаси билан қиёсланиб, бу асарлар бастакорлари XV асрда яшаган Соҳиб Балхий ва Паҳлавон Муҳаммад эканлиги хусусидаги хулосалардан Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг 2019 йил 24 июндаги 01-04/124-228 сон маълумотномаси). Натижада ёш бастакорлар ва муסיқашуносларга XV аср бастакорлик ижодиётига доир янги илмий маълумотларга эга бўлиш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича эълон қилинган илмий ишларнинг умумий сони 19 та, жумладан, республика журналларида 7 та мақола, 1 та хорижда (Россия), илмий-амалий конференцияларда 11 та тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг умумий ҳажми 159 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот масалалари шакллантирилиб, танланган мавзу ва унинг ҳозирги замон санъатшунослик илм-фани тараққиётидаги долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Алишер Навоий даври мусиқа илми”** деб номланган биринчи боби тарихий характерга эга бўлиб, уч бўлимни ўзида мужассамлаштирган. Дастлабки “Алишер Навоий асарларида мусиқий атамалар” деган фаслдан асосан, атамашуносликка оид илмий шарҳлар ўрин олган. Мусиқа илмида мавжуд атамалар санъат намояндалари учун тушунарли ҳамда доимо истеъмолда бўлиб, соҳанинг асоси ва мазмунини англлатувчи тушунчалардир. Булар муайян мусиқий жанрлар, чолғулар, бастакорлик, халқ ижодиёти, ижрочилик, мақомларга оид бўлиб, Навоий мусиқа назарияси ёхуд амалиётига доир атамаларни аниқ маънолар тизимига мос ҳолда ишлатганидан гувоҳлик беради. Жумладан, Навоийнинг лирик меросини ўзида жамлаган “Хазойин ул-маоний”да, лиро-эпик мероси бўлган дostonларида (ўзбек (туркий) тилдаги илк беш дoston – “Хамса”), ахлоқий, таълимий, илмий-тарихий, фалсафий асарлари – “Мажолис ун-нафоис”, “Лисон ут-тайр”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Маҳбуб ул-қулуб”да изчил учратиш мумкин. Зеро, унинг ижодида *мусиқашунослик*, кенгроқ қамровда – *санъатшуносликка* доир иборалар, теран фикрлар ва бевосита ёндашувлар ўринли ифодаланган. Мутафаккир меросида фойдаланилган соҳага оид истилоҳлар – мусиқий жанрлар ва шакллар, чолғушунослик, бастакорлик ижодиёти ва ижрочилик мезонлари каби гуруҳларга таснифланган. Ҳар бир иборанинг маъно-моҳияти, уни шоир асарлари контекстида қўлланилган шакли ва мазмуни ҳамда ҳозирги мусиқий муомаладаги аҳамияти очиб берилган. XV асрда мусиқа ижрочиларининг номланиши шоир байтларида учраган *мутриб*, *муғанний*, *ҳофиз* каби иборалар мисолида шарҳланган. Навоий мусиқа илмидаги ўтмиш мусиқий шакл номлари ва жанр атамаларини кўпроқ қўллаган бўлса-да, ижрочиликка оид бўлган иборалар ҳам кам эмас. *Мутриб* ва *муғанний* иборалари наинки ижрочи-чолғучи ёки хонандани, балки талқин этувчини ҳам ифодалайди. Мустақиллик даври мусиқашунослигида ҳам мазкур атамаларни чолғучи ва хонанда сўзларининг кенгроқ маънодоши сифатида қўллашимиз мумкин. Бу каби атамаларни қабул қилиш соҳа тилининг бойишига хизмат қилади. Тилимизда қўллаётганимиз – *чал*, *чалди*, *чалиб берди* каби сўз

бирикмалари Навоий асарларида *чол, чолгай, чолқанча қил* тарзида қўлланилган.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими “Мутафаккир даврида мусиқий шакллар ва жанрлар” деб номланган. Дарҳақиқат, фольклор, мумтоз мусиқий шакл ва жанрлар асрлар оша сайқалланиб, ижоду амалиётда, узоқ ва яқин ўтмишда халқимизнинг *мусиқий тафаккурининг* инъикослари сифатида муҳрланган. Шарқ, хусусан, ўзбек мусиқа санъатининг асл моҳиятини белгиловчи омиллар муайян *шаклларда* ва улар билан инъикос боғлиқ *жанрларда* ўз ифодасини топади. Ҳар бир шакл ва жанр маълум мантиққа асосланиб, махсус сўзлар билан номланиб, уларнинг ички хусусиятларини ўзида мужассам этади. Алишер Навоий асарларида мусиқий шакл ва жанрлар, ўша даврларда урф бўлган маросим ва тантаналарда ижро этилган қўшиқ, ашула ёхуд ўзга мусиқий намуналар ҳақида айрим маълумотлар “Хазойин ул-маоний”, “Мезон ул-авзон”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” каби асарларида баён қилинган. *Назма, нақш, наво, тарона, суруд, адвор, қўшуқ, чангу, чинга* (ёр-ёр), *достон, савт, чорзарб, йир* (жир) каби жанрлар; *лаҳн, тараннум, алҳон* (илҳон), *туюқ, амал, қавл, сўфия* сингари мусиқий шакллар; *буди-будой, туркий, тегди* (егди) *гизол* каби қўшиқ номларини келтирган. Мусиқий жанр сифатида ифодаланаётган, энг кенг қўлланилган иборалардан бири – шоир тахаллуси билан боғланган *наво* атамасидир.

Навоий, бўлмайин зору заиф ўлмас *наво* топмоқ,

Бу эрмиш пири *чанг* авторидин дайр ичра *талқинлар*<sup>16</sup>.

(Навоий, *наво* топмоқлик, *навога* эга бўлишлик иши зору заифликни бошдан кечирмасдан бўлмайди, бу *наво* эмас, *чанг* торларидан таралган майхона ичидаги *талқинлар* эди.)

Ушбу байтда илоҳийлик маъноси устундек кўринади. Навоий *наво топмоқ* учун *чанг* *чолғуси* торларидан *талқинлар* тинглайди. Навоийнинг тахаллуси *наво* сўзидан олинганлиги бир неча минг маротаба таъкидланади, аммо бу қандай *наво*? Шоир “*наво*” деганда нимани ёки янада аниқроғи, қандай оҳангни назарда тутган? Албатта, илоҳий ишқни, назаримизда. Ўтмишда, айниқса, Навоий асарларида мусиқа тасаввуф билан боғлиқ бўлганлиги, илоҳий мўъжизавий кучга эга эканлиги таъкидланади. Шоир ўзининг тахаллусини айнан шунинг учун ҳам мусиқа билан боғлаган. Навоий тахаллуси орқали имзоси қўйилган мақтаъ байтларида “*наво*”га зид “*бенаволиғ*” сўзлари ҳам кўплаб ишлатилади. Бу “*навосизлик*” деганда улуғ шоир юқори даражадаги маънони – ишқсизликни назарда тутди. Навоий даврида мусиқа санъати соҳасида мумтоз мақомлар билан бирга халқ куй ва оҳанглари ҳам яшаб келган. Мумтоз мусиқа жанрлари ёзма адабиётдаги классик лириканинг мазмуни ва руҳи билан боғлиқ равишда касбийлашиб келган бўлса, халқ мусиқаси эса ўзининг жозибадорлиги ва

<sup>16</sup>Навоий А. Ғаройиб ус-сиғар. 20 томлик. 3-том. – Т.: “ФАН”, 1988. – Б. 142.

шу боис оммабоплиги билан ажралиб турган. Навоий “Мезон ул-авзон” рисолазида салафлари меросида учрамаган халқ кўшиқларига мос келадиган вазнларни таърифлаб, ўша давр фольклор ижодиётига оид қимматли фикрларни қолдирган. Шоир келтирган атамаларнинг айримлари шакл, мазмун, жанр ички қонуниятлари, вазифаларига кўра ўзгариб бўлса-да, етиб келган. Булардан *нақш, тарона, чорзарб, савт, наво, қўшиқ* кабилар ўзбек мусикамизда; *лахн, амал, кор, сўфия, қавл/қавалли, йир/жир* кабилар тожик, қозоқ, қирғиз, араб, хинд, уйғур ва бошқа Шарқ халқлари амалиётида қўлланилмоқда. Баъзи атамаларнинг эса таърифларга кўра, ҳозирда бошқа ибораларга тўғри келиши кузатилди: нағма – мусиқий товуш; Навоийда мусиқий асар (кўпроқ ашула йўлидаги), ҳозирги амалиётда асл шакли қўлланилмасида, *тон, лад, товушқатор* маъноларига тўғри келади. Чинга – ҳозирда эса ёр-ёр. Айрим жанр ва шакллар замонавий мусикашуносликда, умуман, учрамайди: *туюқ, туркий, арузворий, аргуштак, буди-будойи, муҳаббатнома* ва ҳ.к.

Бобнинг учинчи бўлимида эса “XV аср мусиқий чолғулари” бўйича илмий-тарихий мулоҳазаларимиз юритилган. “Донушманду алломаларимиз чолғуларни инсон руҳига маънавий озиқ етказувчи муҳим восита тарзида тавсифлаб, бу ҳақда гўзал сатрлар ҳам битганлар. Мумтоз адабиёт намуналарида эса (айниқса, Ҳазрат Мир Алишер Навоий назмида) уларнинг муайян бадиий “персонаж” ўлароқ тавсифи кўплаб учрайди”<sup>17</sup>. Дарҳақиқат, Навоий мумтоз адабиёт вакили бўлганлиги сабабли ҳам унинг ижодий намуналарида келтирилган мусиқий чолғулардан бадиий образ сифатида фойдаланилган. Бинобарин, шоир асарларидаги мусиқий чолғуларнинг ташқи қиёфаси, тузилиши, овозининг тараннум хусусиятларига кўра бадиийлик билан ифодаласа-да, барча таъриф тавсифларни аниқ илмга асосланган ҳолда баён этади. Айти чолғушунослик масаласи тўғрисида бир қатор фикрларни биз Ф.Кароматовнинг “Узбекская инструментальная музыка”<sup>18</sup>, Т.Вызгонинг “Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки”<sup>19</sup>, А.Малькеевнинг “Музыкальный инструментальный народный Среднего Востока в аспекте музыкально – исторических взаимосвязей”<sup>20</sup> монографияларида ўқишимиз мумкин. Навоий асарларида замонасида истеъмолда бўлган ва ижро амалиётида кенг қўлланилган бир қатор чолғулар ранг-баранг жилоларда ўз тасвирини топган. Улар орасида бизга маълум ва маълум бўлмаган *най, чанг, гижжак, танбур, уд, рубоб, қўбуз, даф, арғанун, чагона, руд,*

<sup>17</sup>Иброҳимов О. Миллий чолғулар хусусида // “Умрбоқий созлар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т., 2015. – Б. 30.

<sup>18</sup>Кароматов Ф. Узбекская инструментальная музыка. – Т.: Изд. Литературы и искусства им. Гафура Гуляма. 1972.

<sup>19</sup>Вызго Т. Музыкальные инструменты Средней Азии. Исторические очерки. – М.: “Музыка”, 1980.

<sup>20</sup>Малькеева А. “Музыкальный инструментальный народный Среднего Востока в аспекте музыкально – исторических взаимосвязей”. Автореферат. – Т., 1983.

*музиқор, аёлгу, ноғора* каби чолғу номларини учратиш мумкин. Ушбу чолғуларнинг айримлари давр ривожини, янги чолғуларнинг замонга мос ҳолда такомиллашиши замида ўзгаришларга учраган ёки истеъмолдан чиққан. Муҳими шундаки, Навоий ўз асарларида музикавий чолғуларнинг шакли шамоили, кўринишларидан то ижро мезони, оҳанг тараннуми хусусиятигача шоирона фалсафий қарашлар билан таърифлайди, уларни маънолар тизимига хос мукамал баён қилиб беради. Шунингдек, чолғуларга доир тасаввуримизни Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюра санъати орқали ҳам бойитишимиз мумкин. Жумладан, Камолиддин Бехзод томонидан шоир асарларига ишланган кўплаб миниатюралар тасвирларида асосан *даф* (дойра), *най*, *уд*, *датор*, *ғижжак*, *чанг* чолғулари ифодаланганлиги маълум бўлади. Миниатюралар, аввало, бизга чолғуларнинг шакли хусусида маълумот беради, унинг ижро мезонида муҳит, ижрочилар ва тингловчилар хусусида ҳам тасаввур бериши мумкин. Аён бўладики, Навоий даврида сарой музикасида бошқа созларга нисбатан *чанг*, *даф*, *най*, *уд* каби чолғулардан кенг фойдаланилган. Музикашунос А.Малькеева эса ўз тадқиқотларида Навоийнинг “Ғаройиб ус-сигар” девонига ишланган уч миниатюрада келтирилган созлар ва уларнинг жойлашган ўрни хусусида ёзиб, сўфийларнинг зикр маросимларида ҳам музикавий чолғулар иштирок этганлигини таъкидлайди<sup>21</sup>. Навоий ғазалиётида *уд*, *чанг*, *танбура*, *арганун*, *қонун*, *най*, *ғижжак*, *рубоб*, *сетор*, *сур*, *сурнай*, *карнай* (карраной), *наққора* (ноғора), *ковурго* (катта ноғора), *чағона* (сафоил) каби чолғу асбоблари гоҳ бевосита мутрибона-музикавий манзаралар чизиш учун хизмат қилса, гоҳида (аксарият) билвосита улуғ шоир ва мутафаккирнинг фалсафий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ва ижодий эстетик қарашларини ифодалайди.

Шунингдек, ушбу бобда алломанинг “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги “Мутриб ва муғаннийлар зикрида” номли фаслида санъат аҳлига берилган танқидий баҳо – Навоийнинг эстетик-бадий қарашлари ифода этилган. Бу каби фалсафий асарларни ўрганиш, ҳаётимизга татбиқ этиш муҳим вазифалардан биридир.

Диссертациянинг “**XV аср бастакорлик ижодиёти**” деб номланган иккинчи бобида Навоий талқини ва таҳлилида бастакорлик ижодиёти ҳамда мутафаккир даврида ижод қилган бастакорлар ҳақида маълумотлар берилган. Бастакорлик ижодиёти музика санъатининг энг қадимги ва мукамал соҳаларидан биридир. XIV-XVI асрлар бастакорлик санъатининг юксалган даври ҳисобланади. Ҳирот маданий ҳаётида, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий атрофида жуда кўплаб мумтоз шеърят билан машғул бўлган шоирлар тўпланган бўлиши табиий. Бу даврда кўплаб созанда ва хонандалар қатори ажойиб бастакорлар етишиб чиққан. Улар мақом жанрининг ривожланишида

<sup>21</sup>Малькеева А. Музыка в миниатюрах к произведениям Алишера Навои (на примере анализа миниатюр рукописи “Ғаройиб ус-сигар”) // Ражабийхонлик илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 1994. – С. 94.

муҳим ишлар олиб борганлар. Навоий “бастакор”, “басталаган” каби атамалар ўрнига “мусанниф”, “мулаҳҳин”, “боғлабдур” каби ибораларни қўллайди. “Мусанниф” ибораси арабчада китоб тузувчи, таснифловчи, муаллиф маъноларини билдирса-да<sup>22</sup>, шоир мазкур атамани мусиқада *бастакор* маъносига тенглаштириб таъриф этган ҳолатлари мавжуд. “...*муғаннийлар* иштиғоли саноси учун *суруд тузмак* ва *мусаннифлар* мақоли дуоси оҳангида *наъма кўргузмак*...”<sup>23</sup>

Навоийнинг шоирларга бағишланган тазкираси “Мажолис ун-нафоис”да шоирликда ном чиқарган, шеърятнинг вазн қонуниятларини чуқур ўрганган ва амалиётда қўллай билган, муаммо ёзиш санъати, абжад ҳисобига оид билимларни пухта ўзлаштирган истеъдодли шоирларни мақтайди ҳамда буларнинг орасидан созандалик, хонандалик, мусиқа илми ва назариясидан, айниқса, бастакорликдан бохабар бўлганларини у ёки бу даражада ўз баҳосига кўра таърифлайди. Шоирларнинг адади беҳисоблигига далил – ўша даврда урф бўлган тазкиранавислик анъанасига биноан ёзилган тазкиралардаги шоирларнинг номлари бир-биридан фарқ қилади. Яъни Навоий ўз тазкирасига барча шоирларни ҳам киратавермаган. Танлаб-танлаб, истеъдодини муайян мезонларда баҳолаб, 459 шоирни, яъни “шоирларнинг шоирларини” таърифлаган. Ана шу шахслар орасидан эса атиги 20 таси маълум мусиқий билимга эга, уларнинг айримларигагина нисбатан бастакорлик асарлари мавжудлиги таъкидланади. Булар: Мавлоно Биноий, Устод Қулмуҳаммад, Хожа Камолиддин Ҳусайн, Хожа Абдулвафойи Хоразмий, Мавлоно Қадимий, Муҳаммад Жомий, Муҳаммад Али Ғарибий, Мавлоно Шайхий, Ҳофиз Шарбатий, Хожа Камолиддин Удий, Али Кармол, Ҳофиз Муҳаммад Султоншоҳ, Хожа Абдуллоҳ Садр, Мир Ҳабибуллоҳ, Бойсунғур Мирзо кабилар. Мусиқийда “таснифлари бор”, “нақшлари бор”, “амаллари бор” деган таърифлари орасидан “боғлабдур” истилоҳининг 5 таси бастакорлик ижодиётида юксак даражаларга қўйган, ўзининг ижро услубини талқин қила олган Мавлоно Соҳиб Балхий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Солимий, Хожа Юсуф Бурҳон ва Паҳлавон Муҳаммад Куштигирларгагина нисбатан қўлланилган.

Мустақиллик йилларигача бўлган бир неча ўн йилликлардаги мустамлакачилик оқибатида суриб қўйилган ва камситилган бастакорлик ижодига тегишли бўлган миллий меросимиз “халқ куйи”, “халқ мусиқаси” қабилида бўлса-да, ижрочилик амалиётида мавжуд. Замонавий мусиқашуносликнинг зиммасидаги муҳим вазифалардан, ечилиши керак бўлган муаммолардан бири – муаллифи ноаниқ бўлган куйларнинг бастакорларини тахминий бўлса ҳам аниқлаб, илмий асослаш ва ўтмиш бастакорлари номларини тиклашдир.

<sup>22</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. 3-том. – Т.: “ФАН”, 1983. – Б. 368.

<sup>23</sup> Навоий А. Маҳбул-қулуб. 20 томлик. 14-том. Т.: “ФАН”, 1998. – Б. 7-8.



Навоий ёзади: “*Мавлоно Соҳиб Балхий* – бовужуди шеър фанида маҳоратлик киши эрди, *адвор* ва *муסיқий* илмида комил эрди. Ўз ғазалларини ўз *малларига боғлабдурким*, анинг фазойилига далолат қилғай. Ул жумладин, “*Чаҳоргоҳ*”<sup>24</sup> *амалидурким*, машхурдур. Дерларким, Жўги Мирзо (тўлиқ исми Муҳаммад Жўги Мирзо, 1403-1445) мажолисида ул *амалдин ўзга нима*<sup>25</sup> *айттурмас* экандурки, бу ғазалга *боғлабдур*:

Ҳамчу субҳ аз меҳри рўят мезадам дамҳои сард,  
То расам рўзе ба кўятдил базе шабгир кард<sup>26</sup>”.

Ўз ғазалларига муסיқа асарлар басталаганлигини “Чаҳоргоҳ” асари ўз даврининг машхур ижодий намунаси бўлганидан ҳам билиш мумкин. Боз устига Шаҳзода Жўги Мирзо ўз мажлисларида мазкур асардан бошқа ашула айттирмаслигидан, бу асар ўз даврида машхур бўлганлиги шубҳасиздир. Афсуски, тарихий Мирхонд, Хондамир, Восифий, Бобур кабиларнинг асарларидан мазкур муסיқий асар, яъни Соҳиб Балхийнинг “Чаҳоргоҳ”и ҳақида маълумот топа олмадик. Юқоридаги байтнинг вазни рамали мусаммани маҳзуф бўлиб, баҳри фоилотун фоилотун фоилотун фоилундир. Аини мазкур шеърий вазнда Шашмақомнинг Дугоҳ мақоми иккинчи гуруҳ шўьбаларидан Уфари Савти Чоргоҳ<sup>27</sup>нинг бугунги кунда ижро амалиётида бўлган Муқимий ғазали билан айтилувчи сўз-матнининг вазнига тўғри келмоқда.

Соҳиб Балхий “Чаҳоргоҳ”и:

Ҳамчу субҳ аз/ меҳри рўят/ мезадам дам/ҳои сард,

– V – – | – V – – | –V – – | – V –

То расам рў/зе ба кўят/дил базе шаб/гир кард.

– V – – | – V – – | – V – – | – V –

Уфари Савти Чоргоҳ:

Рост қаддинг/дек жаҳон бо/ғида сарв о/зо д кам

– V – – | – V – – | – V – – | – V –

<sup>24</sup>“Чоргоҳ” аслида форс тилидаги “Чаҳоргоҳ” сўзидан олинган.

<sup>25</sup>Ни(й)ма – нағма, муסיқий асар маъносида ишлатилган.

<sup>26</sup> Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. 20 томлик. 13-том. - Т.: “ФАН”. 1997. – Б. 15.

<sup>27</sup>Шашмақом. Ёзиб олувчи Юнус Ражабий. 6 томлик. 4-том. Дугоҳ. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – Б. 88-91.

Хам бу қотил / кўзларингдек / қон тўқар жал/ло д кам

- V - - | - V - - | - V - - | - V -

### Уфари Савти Чоргоҳ

ММ ♩=88=92

Ҳамчу субҳ аз меҳ-ри рӯ - ят ме-за-дам дам хо - и сард  
То ра- сам рӯ - зе ба қў - ят дил ба - се  
шаб - гир қард

Ҳозирда биз назарий маълумотлар, яъни шеърӣ вазнига қараб қиёсий таҳлил этиш борасида тахмин қилдик. Муסיқа амалиёт билан боғлиқ фан бўлганлиги учун ҳам ижрочилик амалиёти тажрибасидан ўтказибгина бундай хулосага келиш мумкин. Ҳозиргача Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Пирматова, устозода созанда ва хонанда Аброр Зуфаров, истеъдодли хонанда ва созанда Илёс Арабов ҳиргойи қилгач, ўз ғазалидан ҳам кўра, форсий сўзнинг ўнғайроқ тушаётганлигини таъкидлашди. Демак, келгусида юқоридаги форсий байтнинг тўлиқ матнини топишга тўғри келади. Келажакда бу каби ўтмиш куйларининг муаллифини аниқлаш ва “тиклаш” масаласи бошқа изланувчилар томонидан янғича йўл билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

